

9-28-2018

Issues of expanding the powers of the defense attorney in the investigative actions

D. Chorjeva

Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, tsulscience@tsul.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law



Part of the [Criminal Law Commons](#)

Recommended Citation

Chorjeva, D. (2018) "Issues of expanding the powers of the defense attorney in the investigative actions," *Review of law sciences*: Vol. 2 , Article 29.

Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss3/29

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



ISSUES OF EXPANDING THE POWERS OF THE DEFENSE ATTORNEY IN THE INVESTIGATIVE ACTIONS

D.CHORIEVA^a

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

ВОПРОСЫ РАСШИРЕНИЯ ПОЛНОМОЧИЙ ЗАЩИТНИКА В СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЯХ

Д.ЧОРИЕВА^a

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047,
Узбекистан

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ҲИМОЯЧИ ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Д.ЧОРИЕВА^a

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мақолада бугунги кунда адвокатура институтини ривожлантириши ва такомиллаштиришига, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларни кўриб чиқишида адвокатнинг ролини кучайтириши масаласига алоҳида урғу берилиб, давлат сиёсатининг асосий эътибор марказига чиқарилаётганлигига тўхтаб ўтилган. Шу билан бирга, ҳимоячи фаолиятида муайян тўсиқларни юзага келтириб чиқараётган ҳолатлар ҳануз мавжудлиги тилга олиб ўтилган. Ушбу муаммоларни бартараф этиши мақсадидан ҳимоячининг тергов ҳаракатларини амалга ошириши жараёнидаги ваколатларини янада кенгайтириши масаласи кўтарилиб, бу борада муайян таклифлар ишлаб чиқилган ва илгари сурилган.

Калит сўзлар: ҳимоячи, гумон қилинувчи, айбланувчи, жиноят процесси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, далил, далиллар тўплаши, жиноят иши материаллари, тергов ҳаракатлари, экспертиза тайинлаши, мақбул далил.

Аннотация: в статье рассмотрены вопросы развития и усовершенствования института адвокатуры, усиления роли защиты в рассмотрении уголовных, гражданских, административно-экономических дел. В целях устранения проблем, связанных с существующими препятствиями в деятельности защитника, разработаны определенные предложения о рассмотрении полномочий следственных действий защитника.

Ключевые слова: защитник, подозреваемый, обвиняемый, уголовный процесс, дознаватель, следователь, прокурор, права и обязанности защитника, доказательство, собрание доказательств, материалы уголовного дела, следственные действия, назначение экспертизы, достоверность доказательства.

Abstract: in the article emphasizes the need to strengthen the role of advocate in the development and improvement of the institute of advocacy, the role of defence in the consideration of criminal, civil, administrative and economic cases and highlights the focus on the state policy. To eliminate these problems, causing certain obstacles in the defense activity, specific proposals are developed and put forward.

Keywords: defense counsel, suspect, accusation, criminal prosecution, inquiry officer, investigator, prosecutor, defense advocate's rights and obligations, evidences, file evidence, criminal case materials, investigative actions, expertise, evidence reliability.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш демократик давлатни барпо этишдек эзгу мақсадни ўз олдига қўйган ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан биридир.

Хусусан, бизнинг мамлакатимизда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш конституцион норма даражасига кўтарилиб, унга кўра Республикаимиз Асосий Қонунида “судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади” деб мустаҳкамлаб қўйилган [1].

Барчамизга маълумки, шахсни судда ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи дейилганда бевосита унинг адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи тушунилади. Бугунги кунда адвокатура институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларни кўриб чиқишда адвокатнинг ролини кучайтириш масаласига алоҳида урғу берилиб, давлат сиёсатининг асосий эътибор марказига чиқарилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон Фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда 2018 йил 12 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5441-сон Фармони билан адвокатура институтини такомиллаштиришга, ушбу институтни бугунги кун талабларига мослаштиришга қаратилган ва айни керакли вақтда қабул қилинган муҳим норматив ҳужжат сифатида намоён бўлди [2], [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5441-сон Фармони билан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган бўлиб, унга кўра адвокатура институтини такомиллаштиришга қаратилган жуда кўплаб айни зарурий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш назарда тутилган [4]. Булар жумласига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддатини олти ойдан уч ойгача қисқартириш; давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахсларни мажбурий стажировка ўташдан озод қилиш; адвокат мақомини олиш бўйича малака имтиҳонини такроран топшириш муддатини бир йилдан олти ойгача қисқартириш; адвокатларнинг ҳакамлик судьяси сифатида иштирок этиши, шунингдек низоларни судгача ҳал қилиш ва тарафларни яраштиришга қаратилган ҳуқуқларини кенгайтириш; ҳар бир танланган ихтисослик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатиш; лицензия амал қилиш муддатини тугатишга асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддатини уч ойдан олти ойга узайтириш; Адвокатлар палатаси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш ҳуқуқини бериш; адвокатлик бюросини таъсис этган адвокатларнинг ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзига тегишли бўлган турар-жойларда ушбу турар-жойларни нотурар жой тоифасига ўтказмасдан амалга ошириш ҳуқуқи; адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари; адвокатга нисбатан интизомий чоралар қўллаш муддатларини аниқ белгилаш; лицензиянинг амал қилишини Олий малака комиссияси ҳулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаатига бўйича фақат суд тартибида тугатиш; адвокатларга нисбатан интизомий ишни фақат тегишли малака комиссияси ёки Олий малака комиссияси қарори билан қўзғатишни кўзда тутиш ва ҳоказо шунга ўхшаш нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ушбу соҳанинг оқсаётган нуқталарини бартараф этиш йўлидаги дадил қадам бўлди деб айтиш мумкин.

Адвокатура соҳасини такомиллаштириш борасида шу каби салмоқли ўзгаришлар амалга оширилаётганига қарамаздан, ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган бир қатор масалалар ўз ечимини кутиб турибди. Булар жумласига ҳимоячининг тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнидаги ваколатларини янада кенгайтириш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тергов амалиётини таҳлил этиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ҳимоячининг ўз фаолиятини ва ҳуқуқларини амалга оширишида бир қатор тўсиқлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасида адвокатнинг ўз фаолиятини қонун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган бўлсада, амалиётда, яъни тергов ҳаракатлари жараёнида

химоячининг ўз юритувида бўлган ишнинг муваффақиятли натижасига салбий таъсир қиладиган ҳолатлар ҳам кўплаб учрамоқда [4]. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 53-моддасида химоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилган бўлиб, улар орасида “...гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, суриштирув ёки дастлабки тергов **тамом бўлганидан кейин** эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш...” ҳуқуқига эгаллиги кўрсатиб ўтилган [5]. Бироқ бу модданинг ушбу қисмини “...гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан суриштирув ёки дастлабки терговнинг **барча босқичларида жиноят ишининг барча материаллари билан танишиши ҳамда ундан барча маълумотларни ёзиб олиши**” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки тергов ҳаракатларини олиб боришда тергов ҳаракатлари билан боғлиқ барча маълумотлар ва ҳолатлар билан химоячининг тўлиқ танишганлиги химоячи ва суриштирувчи ёки терговчининг имкониятлари тенглигини таъминлаш баробарида юритувдаги ишни адолатлилиқ принципига ва ҳар иккала тарафнинг тенглигига асосланиб олиб бориш имкониятини яратади. Бу эса суд ишида ҳам айблов, ҳам химоя томонлари учун максимал даражада самарали натижаларга эришиш имконини беради.

Бундан ташқари, процессуал қонунчиликда белгиланган химоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан бири, яъни “...химоячининг тергов ҳаракатлари юргизилаётганда суриштирувчи ёки терговчининг **рухсати билан** иштирок этиш” ҳуқуқини бошқача тарзда ифодалаш зарурати амалиётда юзага келмоқда. ЖПКнинг 49-моддасида химоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтидан бошлаб рухсат этилиши белгиланган. Бироқ тергов амалиётини таҳлил этиш натижаларидан маълумки, кўплаб терговчи, суриштирувчи ва тезкор ходимлар жиноят ишида гумон қилинаётган шахсни химоячи билан таъминланиш ҳуқуқини тушунтирмасдан ёки тушунтиришни кечиктириб, иложи борича гумон қилинган шахс билан химоячисиз мулоқотда бўлиш, суҳбатлашиш, тергов ва бошқа ҳаракатларни ўтказишга ҳаракат қиладилар. Ваҳоланки, ушбу кодекс 111-моддаси иккинчи қисми иккинчи бандига кўра, терговчи гумон қилинувчини адвокатсиз сўроқ қилишдан, айниқса, у иқдорлик кўрсатувларини бераётган бўлса, манфаатдор эмас. Негаки ЖПКнинг 95-моддаси учинчи қисми ва 111-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи бандига кўра гумон қилинувчи, айбланувчининг химоячи иштирокисиз берган кўрсатувлари, химоячидан воз кечилган ҳоллар ҳам бундан мустасно эмас, агар судда айбланувчи томонидан тасдиқланмаса, номақбул далил деб эътироф этилади [6]. Тергов амалиётида шундай ҳолатлар учрайдики, терговчи озроқ тактик устунликка эришиш учун жиноят тўғрисидаги хабар ва уни текшириш материалларида аниқ бир шахснинг жиноят содир этганлигига ишора қилувчи маълумотлар бўла туриб, муайян шахсни қарорда кўрсатмай жиноят ишини кўзгатадилар, бу ҳолда гумон қилинаётган шахсни гувоҳ сифатида сўроқ қиладилар ва ушбу шахсларга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан химоя ҳуқуқини тушунтириш лозимлиги ҳақидаги қонун талабини четлаб ўтмоқчи бўладилар. Терговчининг бундай ҳаракатлари қонунни бузиш деб эътироф этилиши лозим, гумон қилинувчи эса ушбу ҳаракатлар устидан шикоят қилишга ва жиноят иши кўзгатирилган вақтдан бошлаб химоячи билан таъминланишга ҳақлидир. ЖПКнинг 53-моддаси 1-бандидаги мутахассисларга саволлар бериш жумласидан кейин “...бошқа тергов ҳаракатлари юргизилаётганда суриштирувчи ёки терговчининг **рухсати билан** иштирок этиш” деган сўзни “...бошқа тергов ҳаракатлари юргизилаётганда ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин” *тарзидаги жумлага ўзгартирилиши тақлиф этилади.*

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида далиллар тўплаш орқали исбот қилиш шартлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ходиса рўй берган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент ўтказиш, экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш, экспертиза ва тафтиш тайинлаш ҳамда шу каби яна бир қатор ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан тўпланиши белгиланган. Химоячи далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақлилиги кўрсатиб ўтилган.

Бирок ушбу моддада химоячининг далиллар тўплашида экспертиза ўтказиш билан боғлиқ бирор-бир ҳуқуққа эгаллиги кўрсатилмаган. ЖПКга мувофиқ экспертиза тайинлаш ваколатига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд эгадир. Натижада химоячи далиллар тўплаш ва уни исботлаш жараёнида экспертиза тайинлаш учун шу ишга ваколатли масъул мансабдор шахсларга мурожаат этишига, дастлабки экспертиза жавобларидан қониқмаган ҳолатда эса қайта экспертиза ўтказишга руҳсат беришини сўраб, яна қайта-қайта мурожаат қилишига тўғри келади. Бу эса нафақат суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ишида ортиқча оворагарчиликни келтириб чиқармоқда, балки химоячининг ўз иш юритувидаги ишини муваффақиятли тарзда олиб боришига муайян тўсқинликларни юзага келтирмоқда. Бундай ҳолатнинг олдини олиш ва химоячи иш фаолиятига қулайликлар яратиш мақсадида **ЖПКнинг 87-моддаси иккинчи қисмига химоячининг экспертиза ўтказувчи органларга ўз адвокатлик позициясидан келиб чиқиб, олиб бораётган иши юзасидан саволлари баён этилган сўровнома билан мурожаат этиш ҳуқуқини киритилиши таклиф этилади.** Ушбу сўровнома юзасидан экспертиза муассасасининг ҳулосасини химоячи иш юзасидан далил сифатида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга топширганда ушбу далил судда мақбул далил сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир. Қонунчиликка ушбу ўзгартиришнинг киритилиши химоячи ишида энгиллик ва қулайлик яратиш билан бир қаторда унинг химоячи сифатидаги мақомининг мустаҳкамланишига, ишда муваффақиятга эришишга бўлган ишончининг ошишига ҳамда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг иш юритувидаги ортиқча ҳужжатбозликларнинг олди олинишига олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, химоячининг тергов ҳаракатларини амалга оширишдаги ваколатларини кенгайтириш бу, **биринчидан**, изчил равишда ислоҳ этиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини такомиллаштиришга, суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлашга; **иккинчидан**, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай ҳолатда ҳам олий даражада химоя қилиш самарадорлигини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли химоя қилиш қафолатларини таъминлашга; **учинчидан**, адвокатура институтининг нуфузини оширишга, фуқароларда адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига нисбатан ҳурмат ва ишончли муносабатни шакллантиришга олиб келади. Бу эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини оширишга, иқтисодийнинг ривожланишига, замонавий талаблардан, халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда жамият ривожига эришишда катта аҳамият касб этади.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi –T.: O‘zbekiston, 2017. – B.11.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 22 yanvardagi PF–5308-son “2017–2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturi to‘g‘risida”gi Farmoni // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi. –2018. –23 yanvar. 06/18/5308/0610-son; – 2018. – 25 may. 06/18/5447/1269-son.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 12 maydagi PF–5441-son “Advokatura instituti samaradorligini tubdan oshirish va advokatlarining mustaqilligini kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi. – 2018. 06/18/5441/1210-son.
4. O‘zbekiston Respublikasining “Advokatura to‘g‘risida”gi Qonuni / Qonun hujjatlari ma’lumotlar milliy bazasi.
5. O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi. – T.: Adolat, 2018. – B.31–60.
6. “Tergov harakatlarida himoyachi ishtirokining huquqiy va tashkiliy taktik muammolari”. Yu.S.Pulatov, G.Z.Tulaganova. O‘quv qo‘llanma. – T., 2018. – B.12-13.